

Ойлик мавзу: Қиш

Гурух		Кичик гурух					
Хафта мавзуси		Соғлом танда-соғлом рух					
Давр		Декабрь ойининг 2 хафтаси					
Ривожланиш сохалари бўйича мақсадлар		Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Ўзининг соғлиғи ҳақида қайғуришни билади, мозаика ва пазлларни йиға олади				
		Ижтимоий-хиссий ривожланиш	Катталар олдида ўзини нормада тута олади, ўқиб берилган адабиёт ҳақида тушунчасини айтиб беради				
		Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	От билан сифатни ўз ўрнида ишлата олади ва нутқида фойдалана олади, тарбиячи нутқини тинглайди ва тушунади, саволларга жавоб беради, ўзини ёшига доир китобларни мустақил томоша қилади, қаам ёрдамида ҳар хил чизиқларни чиза олади.				
		Билиш жараёнининг ривожланиши	Озиқ-овқат ва витаминлар фойдаси, асоси ҳақида тасаввурга эга. Сабзавот ва меваларни классификациялашни билади. Атрофдаги бир ва кўп нарсаларни ажрата олади. Квадрат ва айлана шакллариини ажратади ва танийди.				
		Ижодий ривожланиш	Мўйқалам ёрдамида доира шакллариини бемалол бўйай олади, сабзи рангини танийди				
Ривожланиш марказлари		Таълим-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар, иловалар
Эркин фаолият	Қуриш-ясаш ва математика	“Боладр ўйингоҳи ясаш”					Лего, конструктор
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш	“Доктор-доктор”					Шифокор асбоблари,шифокор кийими
	Нутқ ва тил			“Буни қачон ишлатамиз”			Майда карточкалар, ҳар фаолият тасвирланган расмлар
	Фан ва табиат				Яшиқшага пиёз экамиз		Яшиқча, пиёз, сув, болалар белкураги, тупроқ.
	Санъат маркази	Расм: “Апелсинлар”	Лой: “Катта ва кичик рангли коптокчалар”		Расм: “Гантеллар”	Аппликация: “Нарвонча”	Рангли қаламлар, оқ қоғоз, елим, Қайчи, рангли қоғозлар.
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

Декабрь ойи 2-хафта

Хафта мавзуси: Қиш”Соғлом танда-соғлом рух”.

Қуриш-ясаш ва математика маркази:

“Болалар ўйингохи” ясаш.

Мақсад: Кубикларни катта-кичиклигини фарқлайди, кубикдан ўйин майдони кура олади, қурилиш материалларини ранги шаклига қараб ажрата олади.

Керакли жихоз ва материаллар: йирик қурилиш материаллари, леголар, ўйингох суратлари.

Фаолиятни бориши:

1. Ўйингохлар суратини кўриш.
2. Керакли жихозларни танлаш.
3. Ўйингох қуришни режалаштириш.
4. Болаларни мустақил фаолияти.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: Майда ўйинчоқлар, турли конструкторлар бериб ўйингохни спорт жихозлари, дарахтлар ва томошабинлар билан тўлдиришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: Ўйингохларни болалар саломатлигига фойдалилиги, ўйингохларда болалар ва катталар шуғуллланиши ҳақида тушунча бериш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш

“Доктор-доктор” ўйин.

Мақсад: Болаларни доктор касби ҳақида тушунчага эга бўлади, инсон саломатлигини яхшилашда докторларнинг хизмати ҳақида билимлари кенгайди..

Керакли жихозлар: Доктор-доктор ўйини жихозлари, сурат, карточкалар.

Фаолиятни бориши:

1. Шифокор суратини кузатиш.
2. Доктор-доктор ўйини жихозлари билан танишиш.
3. Ролларни тақсимлаш.

4. Болалар ўйин фаолияти.
5. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: Болаларни касал бўлмаслик учун нималар қилиш зарурлигини сўраш

Эътиборга молик жихати: Соғлом турмуш тарзини болалар онгига сингдириш.

Санъат маркази

Расм: “Апелсинлар”

Мақсад: Думалоқ чизиклар чизишни машқ қилади, олов рангни фарқлайди, мўйқалам билан ишлаш кўникмалари шаклланади.

Жихоз ва материаллар: Оқ қоғоз, мўйқалам, рангли бўёқлар, сув идиш, шолғом расми акс этган карточка, намуна, салфетка.

Фаолиятнинг бориши:

1. Апелсинни кузатиш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Апелсинни чизиш.
4. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: Болаларни апелсин билан меҳмон қилиб апелсинни фойдалилиги, витаминга бойлиги ҳақида тушунча бериш..

Эътиборга молик жихат: Болаларга касал бўлмаслик учун мевалар ва сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилиш кераклигини сингдириш..

Санъат маркази

Лой: “Катта ва кичик коптокчалар”

Мақсад: Кафт орасида лойни думалоқлаб катта-кичик думалоқ шакл қилишга ўрганади, ранларни фарқлайди..

Жихоз ва материаллар: Лой ёки пластилин, тахтача, салфетка, намуна.

Фаолиятнинг бориши:

1. Гуруҳдаги ҳар хил коптокчаларни кузатиш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Коптокчаларни яшаш.
4. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: Коптоклар билан ўйналадиган ўйинлар акс эттирилган расмларни бериб кўришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жихат: Спорт билан шуғулланиш соғлиқ учун фойдали эканлигини тушунтириш.

Нутқ ва тил маркази

“Буни қачон ишлатамиз” ўйин.

Мақсад: Болалар шахсий гигиена ҳақида тушунчага эга бўлади, нарсаларни қачон ишлатилиши ҳақида танишади.

Керакли жихозлар: шахсий гигиенага ва соғлом турмуш тарзига оид суратлар(тиш ювиш, соч тараш, ювиниш, чўмилиш, гимнастика қилиш, спорт билан шуғулланиш ва х.к), турли хил расмли карточкалар, АКТ.

Фаолиятни олиб борилиши:

1. Суратларни кўриш .
2. Карточкалар билан танишиш.
3. Суратларга қараб карточкаларни ажратиш.
4. Карточкалар билан буни қачон ишлатамиз ўйинини ўйнаш.
5. Болалар ишини рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: Совундан мустақил фойдаланишни машқ қилишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жихат: Шахсий гигиена кўникмаларини мустаҳкамлаш..

Фан ва табиат маркази

Яшикчага пиёз экамиз.

Мақсад: Болаларни табиатга бўлган қизиқиши ошади, пиёз экиш жараёни билан танишади,

Керакли жихозлар: яшикча, майда пиёзлар, болалар лопаткаси, тупроқ, сув., салфетка.

Фаолиятни олиб борилиши:

1. Пиёз экиш учун керакли жихозлар билан танишиш.
2. Пиёз экиш кетма-кетлиги билан танишиш.
3. Болалар яшикка пиёз экади.
4. Сув қуйиш.
5. Болалар ишини рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: Экилган пиёзларга ҳар куни сув қуйиш учун гуруҳ навбатчиси тайинлашни таклиф этиш.

Эътиборга молик жихат: Табиатга бўлган қизиқишини ошириш...

Санъат маркази

Расм: “Гантеллар”

Мақсад: Қалам билан думалоқ, тўғри чизиқлар чизиш орқали гантел чизишни ўрганади, расм чизишга қизиқиши ошади..

Жихоз ва материаллар: Оқ қоғоз, рангли қаламлар, гантеллар ўйинчоғи, намуна.

Фаолиятнинг бориши:

1. Гантелларни кузатиш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Расм чизиш кетма-кетлигини билан танишади..
4. Болалар мустақил фаолияти.
5. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: Ўйинчоқ гантел билан машқ бажаришни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жихат: Бадан-тарбия машқларини мунтазам бажариш соғлиқ учун фойдали эканлигини сингдириш.

Санъат маркази

Аппликация: “Нарвонча”

Мақсад: Тўртбурчакни иккига кесиш орқали йўл-йўл (полоска) чизиқлар билан нарвон хосил қилишни ўрганади, нарвонча қисмларини қоғозга тўғри жойлаштириб елимлаш кўникмаси шаклланади.

Жихоз ва материаллар: катта ва кичик тўртбурчак рангли қоғоз, оқ қоғоз, елим, қайчи, салфетка, нарвонча сурати.

Фаолиятнинг бориши:

1. Нарвонча суратини кузатиш.
2. Намуна билан танишиш
3. Елимлаш кетма-кетлигини кузатиш
4. Болаларни иш жараёни.
5. Болаларни рағбатлантириш

Қўшимча қисм: Болалар ишларидан кўргазма ташкил қилиш.

Эътиборга молик жихат: Қайчидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш..